

Стратегик шерик давлатлар – Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари тарихида яна бир ёрқин саҳифа очилди

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2019 йил 21 апрель • якшанба • № 52 (4181)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташири билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Олий даражадаги ташир доирасида 20 апрель кун Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъати уйининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан биргаликда ушбу дўстлик ва маданият саройини очди.

– Пойтахтимиз кўркам кўрқиб турган ушбу муҳташам иншоот қиёфасида замонавий архитектура ютуқлари анъанавий корея маданияти билан уйғунлашган. Бу маскан халқларимизнинг мустақам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга кўтарилганининг ёрқин тасдиғидир, – деди давлатимиз раҳбари.

– Бу марказ дўстлик, аҳиллик ва муштараклик майдонидир. Ўйлай-



манки, у Ўзбекистондаги корея диаспораси, шу ерда ишлаётган кореяликлар ва барча ўзбекистонликлар учун умумий уй бўлади. Кўп жиҳатдан ўхшаш халқларимиз ва дўстлик

ришталари мустақамлашиб бораётгани давлатларимизни боғлаб туради, – деди Мун Чжэ Ин.

Саҳнада кореяларнинг юрти-мизга кўчириб келтирилиши, халқи-



қийинчиликларга қарамай, ўзбек халқи уларни очик қалб билан қабул қилган, бошпана бериб, меҳр кўрсатган. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва қатъий иродаси туфайли кореялар юртимизда иккинчи Ватанини топди. Бугун улар барчамиз учун ягона Ватан бўлган Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Корея диаспораси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисми бўлиб, анъанавий тарзда мамлакат миқёсида ўтказиладиган барча оммавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади.

Пойтахтимиздаги «Дўстлик боғи»да корея диаспораси томонидан саҳоватли ўзбек заминидagi бағрикенглик, самимийлик ва ғамхўрлик, тинч ва осойишта ҳаёт учун миннатдорлик белгиси сифатида ёдгорлик монументи барпо этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда корея миллатига мансуб 180 мингдан зиёд юртдошларимиз яшайди. Уларнинг уч юзга яқини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

2 >



Инновацион ривожланиш вазири **Иброҳим Абдурахмонов** ва Корея Республикаси илм-фан ва ахборот коммуникация технологиялари вазири **Ю Ёнг Мин** илм-фан, технологиялар ҳамда инновация соҳаларида ҳамкорлик бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги **меморандумни имзолади.**

uza.uz

Соғлиқни сақлаш вазири **Алишер Шодмонов** ва Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири **Пак Нинг Ху** ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

minzdrav.uz

Энергетика вазири **Алишер Султонов** Корея Республикаси делегацияси вакиллари билан учрашди.

kun.uz

Фарғона вилоятида Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «**Ақлли шаҳар**» қурилади.

uza.uz

Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири **Пак Нинг Ху** «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишони ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори унвони билан тақдирланди.

xs.uz

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги «**Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси электр энергия тармоғидаги тариф сиёсатининг асосий йўналишлари тасдиқланди.

uza.uz

Пойтахтимиз бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичига мезбонлик қилмоқда.

minsport.uz

Жорий йилнинг 20 апрелидан 5 майга қадар пойтахтимизда «Тошкент баҳори» V опера ва балет санъати фестивали бўлиб ўтади.

uza.uz

Адилбек Отегенов Мўйноқ тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси раҳбари **Андрей Абдувалиев** Осиё енгил атлетика федерациялари ассоциацияси вице-президенти лавозимига сайланди.

minsport.uz

Марказий банк бошқаруви қайта молиялаш ставкасини йиллик **16 фоиз** даражасида ўзгаришсиз қолдириш ҳақида қарор қабул қилди.

Марказий банк матбуот хизмати

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»



O'zbekiston ovozi

ЧЕТ ЭЛ СИЁСАТИ ЧЕТ ТИЛИ СИЁСАТИДАН БОШЛАНАДИ



«ЭРИНГ ЎЛСА, УЙ БЕРАМИЗ!»

турмуш ўртоғи хаста, бошпанасиз қолган аёлга мутасаддилар шундай дейишди

ФАРҒОНА ҲАҚИКАТИ

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД ЗАХРИ

Oila va Jamiyat

«ЎЛИМ КОКТЕЙЛИ»

ёхуд акциялар ортидаги оғулар

Mahalla

САВОДСИЗЛИКНИ

КИМЛАР ТАРҒИБ ҚИЛЯПТИ?

Унга қарши қандай курашмоқ керак?



Мукофот атрофидаги МИШ-МИШЛАР

улар ҳақиқатга қанчалик мос?

3



Рухимда уйғонар ҳаёт шовқини...

4

Андижон вилояти



Қўшма корхоналар

Экспорт ҳажми янада ортади

Андижон вилоятида Жанубий Корея компаниялари ҳамкорлигида фаолият юритаётган 34 та корхонанинг аксариятида маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хусусан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобил-

лар учун кўглаб бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ана шу корхоналар томонидан тайёрланмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «O'zAuto Austem» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида автомобиль диски ва шосси қисмлари ишлаб чиқарилади.

Жанубий Кореянинг «Austem Ko LTD» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган корхона йилга 1,5 миллион донага яқин диск ҳамда автомобиль шосси қисмлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Автомобилларнинг ушбу қисмлари аввал мамлакатимизга хориждан келтирилган бўлса, энди

Spark, Nexia, Lasetti ва Cobalt русумли автомобиллар учун 14 турдаги диск ва шосси қисмлари шу ерда тайёрланмоқда.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 350 нафардан зиёд ишчи-ҳодимнинг аксарияти ёшлардир.

ЎЗА

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



хона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асари дунё астрономия фани ривожига муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек ҳақида корейликлар ҳам маълумотга эга экани, бу ерга келган киши унинг эҳни, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси бекиёслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари «Афросиёб» музейида бўлди.

Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи мазкур музей, бу ердаги ноёб экспонат ва деворий суратлар бутун дунё сайёҳларини, айниқса, корейликларни ўзига жалб этиб келади. Чунки VII асрга оид деворий суратлардан бирида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Когурё элчисини қабул қилиш маросими ҳам акс этган.

Жанубий Корея Президенти ушбу тарихий суратни ҳайрат ва эътибор билан томоша қилар экан, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлишини таъкидлади.

Шу ерда, давлат раҳбарлари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Корея Республикасининг Маданий мерос маъмурияти ўртасида имзоланган маданий мерос соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми ўзаро алмашилди.

Дунёга машҳур Регистон майдони – аجدодларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этувчи яна бир маскан. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори медресаларининг маҳабати, ўзига хос архитектураси ҳам-мада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Корея Республикаси Президенти ҳам Регистондаги Тиллакори медресаси ва масжидини, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини томоша қилди. Олий мартабали меҳмонга медресаларнинг қурилиш тарихи, пештоқларидаги нақш ва рамзларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Шу ерда мажмуа зиёратига келган сайёҳлар ва Самарқанд шаҳри аҳолиси Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларини қарсақлар билан олқишлади.

Қайд этиш лозимки, дунё халқларининг нуфузли санъат байрамига айланиб улгурган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини Регистон майдонисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар икки йилда ўтказилган мазкур тадбирда Корея Республикаси жамоалари ҳам мунтазам қатнашиб, юқори натижаларга эри-

шиб келмоқда. Хусусан, 2017 йилда ушбу давлатнинг «Геосонг» халқ кўшиқларини сақлаш фонди жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган эди. Жорий йилда Регистонда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўн иккинчи марта ўтказилади ва унда Кореядан ҳам жамоалар қатнашиши кутилмоқда.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Амир Темур ва темурийлар давлати ўз даврининг энг улкан ва ривожланган мамлакат бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА



Фаолият таҳлили



Андижон вилояти


«Андижоннефт» акциядорлик жамиятининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси муҳокамасига бағишланган конференцияда ходимларнинг бандлигини таъминлаш, иш вақти ва дам олиш соатларини белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар ҳамда бошқа қатор жиҳатларда адолатли тақсимнинг йўлга қўйилгани алоҳида қайд этилди.

Ишлайман деганга имкон бор

Хамкасблар эътироф этишганидек, фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган спорт-соғломлаштириш, туризм борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган йили 37 нафар ишчи-ходим «Оқтош», «Зомин», «Чимён», «Чортоқ», «Косонсой», «Гулшан» сингари санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Байрамлар олдидан уюштирилаётган спорт мусобақалари жисмоний баркамолликка интилиш, касб-салликларининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Юртимизнинг тарихий шаҳарларига уюштирилаётган саёҳатлар ҳамда маданий дам олиш тадбирлари жамоа аъзоларини руҳан тектиштириб, ишга янада шадду шижоат билан ёндашишларига туртки бўлаётди.

Жамоа шартномасини бажариш юзасидан ҳар бир ходим учун 2017 йилда 5 миллион 745 минг сўм маблағ сарфлангани ҳолда, ўтган йили бу кўрсаткич 9 миллион 948 минг сўмга етди. Бу, шубҳасиз, жамоа шартномаси йилдан-йилга тўлдирилиб, мукамаллашиб бораётганидан, меҳнат муҳофазаси, тиббий кўрик сингари жиҳатларга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат.

Ўз муҳбиримиз



Бухоро вилояти



Бошланғич кўмимага кўмак

Бухоро тумани ободонлаштириш бошқармасида меҳнат қилаётган 280 нафар ишчи-ходимнинг аксарияти хотин-қизлардан иборат бўлиб, уларга ўртача олти юз минг сўмлик маош тўланмоқда. Шу боисданми, ташкилотда кадрлар кўнимсизлиги юқори даражада. Кейинги уч-тўрт йилда бу ерда икки юз нафарга яқин ходимнинг ишдан бўшагани ҳам бунинг исботи.

Ишчи-ходимларнинг ойлигини ошириш, иссиқхона қуриш учун ташкилотга уч гектар ер ажратиш бўйича вилоят ҳокимлигига мурожаат этилган бўлса-да, ҳозирча унга муносабат билдирилмаган.

Яқинда Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Ёшлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси


Дўстмурод Тўйчиев ҳамда Бухоро вилояти қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг маслаҳатчиси Сардор Эргашев ушбу корхонадаги аҳвол билан танишди. Улар бошқарма бошланғич қасба уюшма кўмитаси фаолиятини ўрганиб чиқиб, ишчи-хотимларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, муаммоларни ҳал этиш ва

ишни самарали йўлга қўйиш бўйича тегишли тавсиялар беришди.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳридаги спортнинг яқка кураш турлари бўйича Болалар ва ўсмирлар спорт мактаб-интернати бошланғич қасба уюшмаси кўмитасига ҳам шундай амалий ёрдам кўрсатилди.

Рустам ИБРОХИМОВ,
«ISHONCH»

Таассурот



Шаҳри Кешда ёшлар учрашуви


ди. Бу ерда катта ўзгаришлар, қурилиш-бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

– Тасарруфимиздаги корхона ва ташкилотлардан 40 нафар ёш ходим, 20 нафар фахрий буғунги тадбирларда қатнашаётди, – деди «Ўзбурғнефтьгаз» акциядорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиги Суннатилла Бўриев. – Тадбирда ёшлар ўзларининг фаолликларини намойиш этди.

Тадбир чоғида барча ёшларга Қашқадарё меъморий ёдгорликлари ҳақидаги «Қашқадарё» ки-

тоби совға қилинди. Ёш мутахассислар, шунингдек, «Тармоқ тизимида меҳнат қилаётган ёшлар учун яратилаётган имтиёзлар ва кафолатлар» мавзусидаги ижтимоий сўровномада ҳам қатнашди.

Анжуманда тармоқ қасба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти Улуғбек Ғозиев ва кенгашнинг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Фозил Турсунов иштирок этди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

«Мадад»чилар мусобақаси

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари қасба уюшмаси тармоқ тизимидаги «Максам-Чирчиқ» АЖда корхона пенсионерларини ўзида жамлаган «Мадад» жамияти аъзолари ўртасида стол тенниси бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Якуний натижаларга кўра, аёллар ўртасида 1-ўринни М.Абдуллаева, 2-ўринни М.Асанова, 3-ўринни Х.Мирзаева ва 4-ўринни Л.Таштаева эгаллаган бўлса, эркеклар ўртасида 1-ўрин А.Таиров, 2-ўрин Х.Мумишев, 3-ўрин С.Брюхов ва 4-ўрин Ю.Панаётополосга насиб этди. Мусобақа ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳина ЖҲҲАЕВА,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари қасба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси



Қашқадарё вилояти

Нефть, газ ва геология ходимлари қасба уюшмаси Республика кенгаши ва «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамияти тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда ишлайдиган ёшларнинг Шахрисабзга саёҳатини ташкил қилди.

360 нафардан ортиқ ёшлар кўхна Кешнинг муқаддас қадимжоларини, Оқсарой мажмуаси, янги ташкил этилган Мақом санъати музейи ва Амир Темур музейини томоша қилишди.

Шахрисабз Маданият саройи мажлислар залида сиёсатшунос Абдурахим Эркаев анжуман иштирокчиларига буюк соҳибқирон Амир Темур ҳаётий тажрибаларига асосланган «Темур тузуклари» асари ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди. Саҳнада намойиш этилган «Амир Темур» спектакли эса саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

– Чиноз нефтини қайта ишлаш заводига ишлайман, – дейди Ибодулла Эркинов. – Шахрисабзда илгари ҳам бўлганман. Аммо бу гал таассуротларим янада бойи-

Худудлардан хабарлар

Тошкент шаҳри

Велоспортчи қизлар

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари қасба уюшмаси тизимидаги Тошкент кимё-технология институтини қасба уюшмаси кўмитаси, институтнинг хотин-қизлар кўмитаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ҳамкорлигида спортнинг велоспорт тури бўйича талаба-қизлар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Сирдарё вилояти

Қизиқарли беллашувлар

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида «Спорт – саломатлик гарови» деб аталган спартакиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси шафелигида ўтказилган мусобақаларнинг дастлабки босқичлари қорхона, ташкилотлар, туман ва шаҳарларда уюштирилди. Қасба уюшмалари тизимидаги 6 та тармоқнинг 2 минг 500 нафардан зиёд ходимлари ушбу беллашуларда иштирок этди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

«Менинг келажакдаги иш жойим»

Сирдарё вилояти қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши ҳудудий бўлими ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳамкорлигида «Менинг келажакдаги иш жойим» акцияси ташкил этилиб, иштирокчи ёшлар Сирдарё туманидаги «Агро Глобал» МЧЖ фаолияти билан таништирилди.

Пиллачилик тармоғи ҳамда пилла этиштириш билан шуғулланадиган касаначиларга белгиланган имкониятлар ҳамда бир мавсум ишлаш даври учун бир йил меҳнат стаж белгиланиши тўғрисида маълумот олган ёшларда соҳада ўзларини синая кўриш истаги пайдо бўлди.

Навоий вилояти

Янада такомиллашди

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви меҳнат жамоасининг 2018-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2018 йилдаги ижросига бағишланган умумий йиғилиши баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти тасарруфидаги 188 та ташкилотнинг барчасида жамоа шартномасининг 2018 йил бўйича умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларнинг 60 фоизидан ортиғида жамоа шартномалари янгидан қабул қилинди. Қолган жамоа шартномаларига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энг кучли, тезкор, эпчиллар

«Ёшлар маркази» спорт залида Навоий кон-металлургия комбинати шимоллий кон бошқармасига қарашли геотехнология кон ёшлари ўртасида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида спортнинг стол тенниси мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда ушбу бўлимларнинг 12 та ёш спортчиси иштирок этди. Мусобақа якунида биринчи ўрин Эрхан Атабеков, иккинчи ўрин Аббос Акмалов, учинчи ўрин эса Азиз Сафаровга насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Сарҳисоб

«Тахиятош иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамияти маъмурияти ва қасба уюшма ташкилоти ўртасида 2017-2019 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасининг 2018 йилдаги ижроси бўйича ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ходимлар учун жамоа шартномасида белгиланган имтиёзларнинг амалдаги ижроси бўйича ҳисоботлар тингланди, шунингдек, корхона қасба уюшма ташкилоти кўмитасида бўш турган ўринга янги аъзо сайланди.

«Ishonch» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди



Турли давраларда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори эканлигимни эшитиб, бир-биридан антиқа саволлар билан юзланишди: Мукофотга қандай эришгансиз? Ота-онангиз нима иш қилади?

Бу саволларга оддийгина қилиб, «Хужжат топшириб» дея жавоб қайтараман. Яна денг, ҳар йили Хотин-қизлар байрами яқинлашиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари рўйхати эълон қилинганда баҳс-мунозаралар қизгин тусга киради. Ижтимоий тармоқларда совриндор қизларнинг бир тарафдан ютуқлари эътироф этилса, бошқа тарафдан «Мукофот олишда адолат ва ҳаққонийлик йўқ» деган иддаолар урчида.

Мукофот атрофидаги миш-мишлар улар ҳақиқатга қанчалик мос?

Хўш, аслида, ҳақиқий манзара қандай?

Ўзимдан қиёс келтирсам. Мен 2018 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотининг «Адабиёт» йўналиши бўйича совриндори деб топилганман. Аслида, мукофотга 5 йил давомида кетма-кет тавсия қилинганман. Ҳар йили баҳор фасли келишини интиқиб кутардим. Совриндор бўла олмаганимни эшитиб хафа бўлар, ойнаи жаҳон орқали тақдирлаш маросимини кўрганимда совриндор қизларга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилардим. «Улардан менинг қаерим кам, нега мен бунга эриша олмаيمان?» қабилидаги саволлар қийнагандан-қийнаб ташларди. Камчиликларим, бошқа номзодларга қараганда билим ва тажрибам, ютуқларим кам эканини тан олгим келмай, осонгина «ҳаққонийлик бўлмади» дея айтганларимни эсласам, бугунги муҳокамаларнинг баъзи сабабларини аниқлашга бўлган.

Мукофотга 5-йили хужжат топшираётганимда ота-онам қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Чунки ҳар йили баҳорни мен кўзашлар, ота-онам эса

мени овутиш билан қарши олардик. Отам деҳқон, онам уй бекаси, оиламиз ўртаҳол. Мукофотга совриндор бўлиш учун одамлар наздидаги қанчадир «қўқатимиз» ҳам, «мансабдор» танишларимиз ҳам йўқ эди-да!

Аммо маҳалладошларимиз менинг ҳар йили юз бетлик ҳаворанг папкани қўлтиқлаганча гоҳ фуқаролар йиғини, гоҳ Ёшлар иттифоқида дея шошилиб юришимга қўниқиб қолишганди. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз мукофотга барибир эриша олмастим, ундан кўра фан олимпиадасига қатнашиш фойдали эканини бот-бот ўқитардик.

Бир сафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати бўлган тенгдош дугонамдан маслаҳат сўраганимда, тўғридан-тўғри камситгани мени янада жунбушга келтиргани ҳам рост. Очигини айтсам, биринчи ва бешинчи йили комиссияга тақдим этган хужжатларим орасида осмон билан ерча фарқ бор эди. Йил сайин ўз устимда ишладим, ўрганганларим кўп бўлди, муҳими, ўз йўлини топдим. Ниҳоят, мукофотга лойиқ кўрилдим!

Совриндор бўлгач, отам менга шундай деди: «Энди сен елканга юкланган улкан масъулиятни оқлашинг, янада катта ютуқларга эришишинг, улкан марраларни кўзлашинг лозим».

Шу сўзлар мен учун фаолият таъминлиги, изланиш ва интилиш ҳаётим мезонига айланди. 2018 йилнинг октябр ойида Ҳиндистонда ўтказилган XII Ёзувчилар халқаро конференциясида Ўзбекистон номидан иштирок этдим. «Sahitya Shree» халқаро адабий мукофоти совриндори бўлдим. Халқимизнинг сеvimли шоирлари шеърлари қаторида инглиз-ҳинд тилларида чоп этилган «Шивирлаётган ҳис» тўпламидан ижодий ишларим жой олди.

Оддий ҳолат. Тўғрими? Лекин гап-сўзлар нега кўпаймоқда? Бунинг бир неча омиллари бор, назаримда. Биринчиси, мукофот ололмай қолганларнинг фикри (ўзим бунинг бошимдан ўтказганман). Иккинчиси, «Зулфиячилар» деганда кўпчиликнинг нигоҳида бир хил қилишга тушиб қолган, минбарларда туриб баландпарвоз сўзлар айтишдан бошқасини билмайдиган қизлар гавдаланади.

Баъзилар «қизларнинг меҳнати мукофотга эришгунча, кейин эса сувга тушган тошдек чўкиб, йўқдек бўлиб кетишади», деган фикрда. Бу гапда ҳам жон бор. Кўпчиликнинг ягона мақсади олий таълим муассасасига имтиёзни қўлга киритиш. Бунинг учун эса «ҳавасаки» қораламаларини газета ва журналларда чоп эттиришади. Кейин эса мукофотга ҳаракат. Мукофот қўлга киритилса, бўлди. Кейин бу шарафли номни оқлаш кераклигини унутишади...

Танганинг икки тарафи бўлганидек, бугун совриндорлар орасида фан номзоди ва докторлари, ёш изланувчилар ва раҳбар аёллар бор. Улар мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаётир.

Менинг фикримча, совриндорларнинг минбарларда шеър ўқишларини маддоҳлик дея аташ, ўзини кўрсатмасдан ўз соҳасида кучли меҳнат қилаётганларни эса «сувга чўқкан тош» га қиёслаш адолатдан эмас?


Йилдан-йилга номзодларни саралаш босқичларининг ўтказилиш тартиби такомиллаштирилмоқда,

Сиз нима дейсиз?

Низомга ўзгартиришлар киритилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан Ёзувчилар уюشمаси ҳамда унинг вилоятлардаги бўлимлари қошида «Зулфияхоним қизлари» клублари ташкил этилди. Клублар шу кунгача совриндор бўлган қизлар ва номзод қизлар билан ишляпти. Мамлакатимиздаги ўқув юртларида Зулфияхоним издошлари билан биргаликда турли учрашувлар, очиқ мулоқотлар уюштирилмоқда. Бу ҳам мукофот соҳибалари фаолиятини тўғри ва самарали тарғиб қилиш, қизларнинг ўз устида ишлаши, фаолиятини янги босқичга кўтаришига мадад бўлиши, шубҳасиз.

Айтмоқчи бўлганим шуки, «Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларнинг барчаси мукофотга но-лоийқ ёки бошқа йўللار билан қўлга киритган», деган фикрлар мутлақ ҳақиқат эмас.

Шоҳида ЮСУПОВА,
Журналистика ва оммавий
коммуникациялар
университети талабаси,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти лауреати



Самарқанд вилояти

Бошланғич касабани уюшма ташкилотларида

Тадбирини топган чорасиз қолмас

Самарқанд вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхонасида 2017 йилда бир йўла уч маротаба ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бу воқеа корхона маъмурияти ва касабани уюшма ташкилотини ҳушёрликка чорлади.

Одамлар тақдири, ишга кетиб уйига қайтиб келолмаган ходим оиласи аҳволини улар кўз олдига келтириб қўришди. Осон эмас. Шу кундан эътиборан ҳар бир ходимга техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш мажбурий қилиб белгиланди. Кимки йўриқномадан четга чиқадиган бўлса, қатъий чора қўриладиган бўлди.

Нарпай, Қорадарё, Ургут электр тармоқларида бўлган мудҳиш ҳодисалар бизга катта сабоқ бўлди, дейди Самарқанд вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бошланғич касабани уюшма ташкилоти раиси Наби Назаров. Фаолият билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш чорасини топмасак бўлмасди. Хавфсизлик техникасини бузувчилар масаласи умумий йиғилишларда қўриладиган бўлди. Бу борада масъуллар масъулияти оширилди. Жамоатчилик назорати, меҳнат муҳофазаси бўйича доимий комиссиялар фаолияти жонлантилди.

Масаланинг бир жиҳати меҳнат муҳофазаси учун ажратиладиган маблағларнинг ўз ўрнида сарфланишига ҳам бориб тақаларди. Бу борада иш берувчи ўз зиммасига юклатилган барча вазифаларни бажариб берди. Биргина ўтган йилда жамоа шартномасига киритилган муҳофазатга доир 16 та тадбир тўлиқ бажарилди. Ана шу мақсад учун ажратилган 514 миллион 816 минг сўм маблағ ўз ўрнига сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, вакилларнинг иш тартиблари бўйича услубий-амалий ўқувлар ўз фурсатида ташкил этила бошланди.

Мана, икки йилдирки, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ кўнгилсизликлар содир бўлмади. «Қарс икки қўлдан чиқади», деганларидек, хавфли юмушларга йўлланаётган ходимлар маъмуриятнинг махсус буйруғи

билан вазифага киришади. Кўрсатмада ходимнинг шу ишни бажаришга қодирлиги, синовдан ўтган-ўтмаганини аниқлаш хусусидаги вазифа ҳам бор. Бу ҳар бир ходимни ҳушёрликка ундамоқда. Унга ўзи тўғрисида, оиласи хусусида чуқурроқ мушоҳада юритиш имконини бермоқда.

Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати – ходимларнинг тўғри дам олишини ташкил этиш ҳисобланади, дейди касабани уюшма етакчиси. Масалан, ўтган йилда касабани уюшмалари ҳисобидан 55 нафар, иш берувчи маблағларига 27 нафар киши сиҳаттоҳларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 210 нафардан ортиқ ходим турли спорт тадбирлари, тўғрақларига жалб этилган. Бу ҳам унумли меҳнатга гаров бўлмоқда.

Корхонада жамоа шартномаси орқали ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тармоқда ишляётган 38 нафар 12 ёшгача фарзанди бор аёлларнинг иш соатларида белгиланган имтиёзлар, меҳнат таътилига 3 иш кунидан иборат ҳақ тўланувчи қўшимча таътиллари бериб келинмоқда.

Республика «Маънавият тарғибот маркази» Самарқанд вилояти бўлими билан тузилган шартнома асосида «Маънавият тадбирлари» режали тарзда амалга оширилмоқда. Ўтган фурсат мобайнида тизим ходимларининг 128 нафари туризм йўналишида саёҳат қилишди. 340 нафар ходимлар ва уларнинг фарзандлари маданий тадбирларда иштирок этиш имконига эга бўлди.

Мураккаб соҳадаги бундай силжиш кишини қувонтиради. Энг муҳими, тармоқда ижтимоий шерикликка асосланган муҳит шакланган. Бу эса ходимлар ҳаёти, фаолияти ва турмушида ўз натижасини бераётир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари ўтказган тезкор тадбирда Урганч тумани ФХДБ бўлими мудираси М.А. фуқаро Х.Қ.нинг фамилиясини ўзгартириб бериш эвазига пора талаб қилиб, уни олаётган вақтида ушланган.

Бу хабарни барчамиз эшитдик, ўқидик. Аммо ҳозир уни муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, фуқаролар нега исм-шарифини ўзгартиришга ҳаракат қилиши ва унинг оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Мавзуга доир воқеа. Ўтган ойда қўшни шаҳарга бораётиб, йўл-йўлакай такси ҳайдовчиси билан гаплашиб кетдик. Ҳайдовчининг исми диққатимизни тортиди. У ўзини Славик, деб таништирди. Ажабландим. Ҳайратланганимни сезди, шекилли, ўзи гап бошлади.


Бу қонуний исмим. Фамилиям – Давидов. Ишонма-япсизми? Мана паспортим. Қизиқсиниб, хужжатни олдим. Ҳаммаси ҳақиқат эди.

У узоқ йиллар Россияда ишлагани, депорт бўлиб қайтгани ҳақида гапириб қолди. Олдин исм-шарифи Жасур Худойберганов бўлган экан. Паспортидаги қора тамғани ўчириш, Россияга қайта ишлагани бориш мақсадида исм-шарифини Славик Давидов деб ўзгартирибди. Катта боболаридан бирининг исми Давид бўлган экан. Бобосига

Ҳикмат

Элим бошқа деган эл бўлмас.

Ўзбек халқ мақоли



Тошкент вилояти



Оддий тарбиячи, ўқитувчи, Бекобод туманида, сўнгра Тошкент вилоятининг халқ таълими соҳасида масъул вазифаларда ишлаган кезларида ҳам эл дарди билан яшади, ҳамани бирдек кўрди.

Одатда инсонни бойлик ёки мансаб ўзгартиради, дейишади. Бу ҳолат Олег акага ёт эди. Унинг бойлиги китоблари, тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланма-

фарзанд бўлиш ниятини билдириб, ФХДБга мурожаат қилибди. Хорижда қулай бўлиши учун миллатини ҳам ўзгартирибди.

Шунда унга «исмингизни ўзгартирибсиз, аммо у русча исмининг қисқартмаси-ку» дея эътироз билдирдим.

– Нима фарқи бор,

ИСМИ ШАРИФЛАРИ КИМ ЭДИ?

ёхуд фамилияни ўзгартиришнинг зарурати ва оқибати хусусида

русчами русча, – жавоб қайтарди ҳайдовчи. – Умуман олганда, ҳозир кўпчилик шундай қиялпти.

Мулоҳазаларимиз шуки, исм-шарифини, миллатини ўзгартираётганлар кимлар ўзи ва улар қандай мақсадларни кўзлашмоқда?

Тўғри, қонунларимиз исм-шарифни ўзгартиришга рухсат берган. Бу ҳақдаги меъёrlар Оила кодексининг 28-бобида ва бошқа қонуний ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Ўз исмини ёқтирмайдиган инсонлар ҳам йўқ эмас-да, ахир.

Улар ота-онаси дуч келган исмини қўйиб юборишгани, исмидан уялишини айтишади.

Исм – инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз фарзандига гўзал, теран мазмунга эга исм қўйишни шарт. Ўрни келганда, бугун айрим ота-оналар ўз болаларига миллатинизга умуман хос бўлмаган туркча, европача исмларни қўяётганини ҳам кўряпмиз. Ким билади дейсиз, бундай исмларни олган болалар ҳам бир кун келиб уларни ўзгартириш пайига тушишар...

Яна ўша Жасур – Славика қайтайлик. У чет элга қайтиб

бориш учун ўзлигидан, миллатидан воз кечгани аянчли ҳолат эмасми? Унинг биргина мақсади – даромад. Эр-тага бундайлар мўмай пулни деб жиноятга қўл урмаслигига кафолат борми? Фурур, орномус каби тушунчалардан йироқ инсонгина миллатини ўзгартириши мумкин. Бу инсонни ўзлигидан, илдизларидан узоқлаштиради.

Кимлардир «бу фақат хужжатда, амалда ҳеч нарса ўзгармайди» деб эътироз билдиришлари мумкин. «Зарурат юзасидан шундай қиялман», дейишар балки. Ваҳоланки, бундай ҳолатлар уларнинг ав-

лодлари тақдирига ҳам таъсир кўрсатиши ойдек равшан-ку!

Қонунчиликда фамилия, исми ўзгартириш тўғрисидаги ҳулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилганидан кейингина тузилиши мумкинлиги кўрсатилган. Балки қонунларга кўра, хориждан депорт бўлиб келганлик исм-шарифини ўзгартиришга монелик қилмас. Шундай бўлса-да, масаланинг биз айтган жиҳатларига эътиборсиз бўлмаслик керак, деб ўйлаймиз. Қолаверса, бир пайтнинг ўзида фуқаро ҳам ўзининг, ҳам фамилиясини ва миллатини ўзгартиришига рухсат бериш тартиблари ҳақида ҳам қонун ижодкорлари қайта ўйлаб қўришса, ёмон бўлмасди...

Ўша куни таксида ҳамроҳлик қилган аёлнинг гаплари ҳаёлимда айлангани-айланган:

– Тавба, ким билади, қанча одам исм-шарифини ўзгартириб, қандай хуфя ишларни қилиб юрибди экан?

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Яхшилар ёди

Олег аканинг «олтин» фалсафаси

Шундай инсонлар борки, улар тириклик вақтидаёқ ўзларига ҳайкал қўя олади. Кимдир ёзган асарлари, кимдир яратган қўшиқлари, кимдир минглаб шогирдлари билан... Олег Тожиев ҳам шундай инсонлардан бири эди.

лари, юзлаб шогирдлари бўлди.

У билан мулоқот қилганингизда, албатта, мутафаккирларнинг ҳикматли сўзларидан мисол келтирарди.

60 ёшга тўлганидан сўнг у ҳам бошқа пенсионерлар сингари қарилек гаштини суриб яшаши мумкин эди. Бироқ тиниб-тинчимас устоз ҳамиша одамлар орасида бўлиш, ўз тажрибаларини минглаб шогирдларига ўргатиш, таълим

соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга ҳисса қўиш истаги билан яшади. Умрининг сўнги дамларигача элга, таълим соҳасига нафи теғди. Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида таълим соҳаси кишиларига билим ва маҳоратини улашди.

Устоз бу ерда ҳам ўзидаги қатор фазилатлар – ўз касбига садоқат, вазифасига талабчанлик, ҳалоллик, поклик, имон-эътиқод, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, камтарлик, Ватанга садоқат, меҳр-оқибатлилик, саховатпарварлик, илмпарварлиги билан катта жамоанинг барча аъзоларига ўрнак ва намуна тимсоли бўлди.

... Бугун устоз орамизда йўқ. Аммо

унинг хотираси шогирдлари, таълим соҳаси мутахассислари хотирасида мудом сақланиб туради. Зеро, яхшилик билан қолган от ҳеч қачон унутилмайди. Дилларда, тилларда, тарих зарваракларида тақдорланаверади.

Равшаной ҲОЗИЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюشمаси Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси
Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди
Анвар ЗОКИРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюشمаси Тошкент тумани кенгаши раиси



Хамид ФҲЛОМ

Рухимда уйғонар ҳаёт шовқини...

Хамид Фүлом 1919 йил 25 апрел ойда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

«Қасосим бор», «Ҳайкал», «Ватан куйлари», «Янги бог», «Қитъалар уйғоқ», «Ошиқ кўнгил», «Вафoning узун йўли» каби шеърли тўпламлари, «Машъал», «Тошкентликлар», «Мангулик» романлари, «Тошболта ошиқ», «Хоразм қўшиғи» каби драматик асарлари элга машҳур.

Шекспирнинг «Ун икки кеча», Фирдавсийнинг «Шохнома»сига кирган айрим дostonлар ва бир қанча чет эл ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Эл-юрт хўрмати» (1998) ва «Меҳнат шухрати» (2004) орденлари билан мукофотланган. 2005 йил 21 августда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Тавааллудининг юз йиллиги нишонланаётган айни кунларда газетхонларимизга шоир шеърларидан илдиндик.

Ўлмас сатрлар

ОХ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

Кўнгил ёшлигини ҳар дам кўмсайди,
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Такрор этмас эдим бағри тошлигинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Намунча енгилсан, намунча дайди!
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Бўлмасди беғамлик, бебардошлигинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Тонг юлдузи каби бир он кулсайди!
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди,
Ўтда ёндирардим кўнгил ғашлигинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Юрак илк севгига яна тўлсайди!
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди,
Шодлик, кўкламчилигинг, серкўёшлигинг
Жаҳон ёритарди ҳудди Ёшлигинг!

ВИСОЛ

Кўксимга ярқираб қуёш чиқади,
Бошимга меҳрибон бахт қуши кўнар.

Айрилиқ тоғини висол йўқади,
Кўнгил гулзорида чечаклар унар.
Чунки... сен келасан қуёшдай қулиб,
Чунки... сен келасан толе қулидай,
Чунки сен келасан чиройга тўлиб,
Шоирнинг тонг чоғи кўрган қулидай.

Узоқдан тоғининг эшитганим он,
Унутилар кўнунда чеккан қулфатим.
Дил қувнаб мисралар келади равон,
Илҳумим бўлади азиз улфатим.

Сен билан ўтган кун мен учун — даврон,
Қайнайди истаклар, яшнайди ўйим.
Мисралар қоғозга тизилар равон,
Сен билан ўтган кун — энг ширин тўйим.

Рухимда уйғонар ҳаёт шовқини,
Василгага тўйди интизор илҳом.
Умримнинг сен билан ўтган ҳар кун —
Мен учун энг тоғли, нашъали айём.

Шодликсан, севгисан, қўшиқсан, куйсан,
Вафосан, ҳаётсан, тоза ҳуснсан.
Ёшлиқсан, оғзусан, маст қилган ўйсан,
Тонг чоғи битилган шеърим ўзингсан!..

КЎКЛАМЛАРИНГ

Ўн саккиз ёш — ўн саккиз кўкламларинг,
Гул ҳаётингда ғанимат дамларинг.

Ўн саккиз йил — ўн саккиз чақмоқ мисол,
Дўстларинг, сирдошларинг, ҳамдамларинг.

Илк муҳаббат назли меҳмонинг бўлур,
Маҳв этур ишқинг зумон-у ғамларинг.

Кундузи ёфтоб йўлингда машъалинг,
Кўзда юлдузлар тунингда шамларинг.

Бир нафас тарк этмағай тун-кечалар
Тушларинг, орзуларинг — ўқтамларинг.

Душманинг ҳижрон бўлиб қолғай мудом,
Дўстларинг васл — дардинга малҳамларинг.

Севги уммонига юксакдан отил!
Ишқ — ҳаётингда ғанимат дамларинг.



Таассуф

Тахياتош туманидаги Найман овули марказида шундай ёдгорлик бор. У Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотираси учун бунёд этилган.

Ёддан чиққан ёдгорлик

кам-у кўст ифодаланганки, унинг бугунги ёшларимизни ватанпарварлик руҳида, юртга садоқатли, жасур ва мард инсонлар этиб тарбиялашда аҳамияти салмоқлидир.

Аммо айни пайтда ушбу ёдгорликнинг аҳоли ачинарли кўринишига келиб қолган. Бесўнақай ва тарвақайлаб ўсиб кетган арчаларнинг қуриб қолган шохлари уни тўсиб қўйган. Гул экишга мўлжалланган жойни эса ёввойи ўтлар босган. Юқори қисми ўпирилиб тушиб, асл ранги қуёш нурида хиралашган.

Ноёб санъат асари даража-

сида яратилган ёдгорликдан бир неча қадам нарида қурилиш ишлари авжида. Бу ерда тамаддиҳона бунёд этиляпти. Ҳақли савол туғилади: Ватан озодлиги, халқимиз тинчлиги йўлида жон фидо этган аждодларимиз хотирасига ҳурмат, эътибор ва эҳтиром шуми? Қаровсиз қолган ёдгорлик атрофини ободонлаштириб, озода масканга айлантириш биринчи галдаги бурчимиз-ку!

Бунга мутасаддилар нима дер экан?

Зулайхо БЕКМУРАТОВА,
журналист

Биз ва олам

Рангин дунё

Инсон дунёга келганида илк бор сезиш, кейин эса шартли равишда ранг таниш рефлекс пайдо бўлади. Бола қанча кўп ранг ажрата олса, онги шунчалик ўсиб боради.

Рангларнинг инсон руҳиятига таъсири катта. Масалан, ҳаворанг, оқранг, оч кўкранглар инсонни сокинлик ва хотиржамликка ундайди.

Қизил, сариқ, тилларанглар эса мияга кучли таъсир кўрсатиб, жўшқинликни оширади. Йил фаслларининг ҳам ўз ранглари бор. Шу тахлит табиат ўз ранглари билан инсон кайфиятига таъсир кўрсатади. Масалан, баҳор фасли кўпроқ яшил ва кўк ранглардан ташкил топгани сабабли инсонга сокин кайфият бағишлайди. Ёзда табиат турфа ранглар билан бурканади. Бу кўриниш инсонга кўтаринкилик бахш этади.

Куз фасли қолган уч фаслга қараганда жуда кўп рангларга эга. Бунда битта япроқ ўн-тадан ортқ рангни ўз ичига олади. Шу сабаб кайфиятда ҳам ўзгаришлар кўп кузатилади.

Қиш фаслида эса ранглар деярли бир хил: қуланг, қора, кўзни зериктирувчи манзара...

Биз қанчалик рангларнинг бир-бири билан уйғунлиги, жилаворлигини англамасак, табиатни шунчалик гўзал ва бетакрор кўра бошлаймиз. Шундагина ранглар табиатнинг бир бўлаги эканини тушуниб етамиз.

Гулмира ОХУНОВА,
Наманган давлат университети талабаси

Қорақалпоғистон Республикаси



Мазкур мажмуа 1965 йили Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан бунёд этилган. Ҳар томонлама режалаштирилиб, чуқур дид ва истеъдод билан бино этилган ёдгорликда уруш келтирган мусибат тўлиқ тасвирлаб берилган. Душманга қарши курашаётган оталаримизнинг жасорати бе-

Бугун китоб ўқиш, китоб совға қилиш мамлакатимизда кенг қўл оч ёймоқда. Кўп китоб ўқиганларни рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар яратиш, ўзи ўқиган мактабларга бадий китоблар ҳадя этиш ташаббусини дастлаб давлатимиз раҳбари бошлаб берди. Ушбу ташаббус халқимизнинг маърифат ва маънавиятга интилаётганидан далолатдир.

Ҳар китоб, китобхонлик ҳақида кетар экан, кутубхона ва китоб жа-вонларидида сақланаётган, ўқувчилар севиб мутлоа қилаётган бадий китоблар орасига қасб танлаш, мустақил ҳаётга қадам қўйиш, оилада одоб-ахлоқни шакллантириш, турли соҳаларга оид асарларни ҳам қўшиб қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Закий аждодларимизнинг

таълим-тарбия, дин, маънавият, инсоф ва диёнат, ҳаллолик ва поклик ҳақидаги сабоқларидан фарзандларимиз мактаб партасидаёқ хабардор бўлишса, улар тўғри йўлдан адашмаслиги аниқ.

Китоб ва китобхонлик маданияти, ўқиш, ўрганиш ҳамда ўргата олиш санъати ҳақида кўп гапириш, қатор-қатор мисоллар келтириш мумкин. Аслида, китоб ёзиш қанча қийин бўлса, уни иштиёқ билан ўқиш ва ўқиш, тегишли хулосалар чиқариш ҳам шунчалик мураккаб жараён. Максадларимизга эришиш учун дуч келган китобларимизни эмас, маънан ёқимли, руҳан покловчи, жисмонан тобловчи, ориятни мустақамлайдиган асарларни ўқиш руҳиятимизга тиниқлик олиб қиради.

Навоийлик тadbirkor Фарҳод Хо-

ликов бу ҳақиқатни теран англаб етган инсонлардан бири. У ҳозиргача турли мактабларга кўплаб китоблар совға қилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тadbirkor анча вақтдан бундан топаётган даромadini маълум бир қисмини маънавият ва маърифат тарбияси, турли хайрия ишларига сарфлаб келмоқда. «Маърифат ҳар қандай тadbirkorлик ва тараққиётнинг асосидир», деган фикрга амал қиладиган Фарҳод Холиков китоб ўқишни кундалик юмуш, ҳаётий зарурат деб билади. Шу боис, бошқаларни ҳам китобхонликка қорлайди. Бу маърифатли тadbirkorнинг хайрли саъй-ҳаракатларидан баҳраманд бўлаётган инсонлар тақдирда ёрқин из қолдириши шубҳасиз.

Нормурад МУСОМОВ,
«ISHONCH»



Китоб — энг яхши совға

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақифланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусаҳҳир:
З. Исмоилов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎЗА яқини — 0015
Тошхирлиди — 0140

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г — 417.

30112 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133